# ИЖОДИЙ МЕҲНАТ САМАРАСИ

*Репортаж*

Иккинчи смена бошланишига ҳали ярим соатча бор. Шунинг учунми, Ҳасан Нуруллаев завод ҳовлисидан шошилмай ўтиб борарди. Ҳаво очиқ. Куёш нурлари жўнатишга тахт қилиб қўйилган зангори тракторлар узра жилва қилади. Ҳасан бу «пўлат от»лардаги «ТТЗ» деган ҳарфлардан бир зум кўз узолмай қолди.

— Ҳа, биринчи марта кўряпсанми, — деб қолди орқадан кимдир. Қараса, дўсти Саидаҳмад Юсупов.

— Ўз қўлимиз билан тайёрлаганимиз учунми, кўзга жуда иссиқ кўринар экан, — жавоб берди Ҳасан.

— Нега шунақа, биласанми? — деди Саидаҳмад ва жавобини кутмаёқ ўзи гапира бошлади:

— Чунки, ана шу тракторларнинг ҳар бирини яратиш учун сену менга ўхшаган қанчадан-қанча ишчилардан куч ,билим, маҳорат, фидокорона меҳнат талаб этилади. Мақтаниш эмас-у, бу азамат машиналарнинг ҳар бирига қалбимизнинг қўри қўшилган, ҳар бир узелга пешона теримиз синган. Ё нотўғрими? Мана энди ўзинг ҳисобла: ўтган йили пландаги 21634 та ўрнига 22268 та трактор ишлаб чиқардик. Ана шу тракторларнинг ҳар бирида қанча меҳнатимиз бор экан?

— Худди шоирга ўхшайсан-а? — деди ўзини кулгудан тўхтатолмай Ҳасан.

— Нима қипти? Ахир биз, ишчилар ишга ижодий ёндошмасак, корхонамиз шунчалик ютуқларга эришармиди?

Заводнинг қанақа бўлганлигини Ҳасан яхши билади. Самарқанд областининг Қорадарё районида туғилиб-ўсган Ҳасан Тошкентга тушганида, бир иш билан Қибрай томонга ўтади.

— Мана бу «Ташавтомаш» заводи бўлади, — деди йўлда ҳамроҳи.

— Эҳ-ҳа, колхозларда пахтани қоп-қанорсиз ташиётган автоприцеплар шу ерда ясалар экан-да? Қизиқ, томоша қилгани қўйишармикин?— Бу фикр Ҳасаннинг миясини чулғаб олган эди.

Хуллас, ичкарига киришди. Автоприцепларнинг қандай тайёрланишини ўз кўзи билан кўрди.

«Тамом! Шу ерда қоламан! Заводда ишлайман!» Ҳасан шу қарорга келди.

...Мана шунга ҳам бир неча йил бўлди. Бу орада Ҳасан оддий шогирдликдан етук ишчига айланди. Илгариги содда қишлоқ йигити эмас. Ҳасан ўз ишига юксак онглилик билан муносабатда бўлади. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Социалистик мусобақанинг олдинги сафида боришга интилади.

— Ҳасан Нуруллаев 1976 йил ҳисобига ишлаяпти, — дейди у ҳақда фахр билан корхона директори П. Мирзааҳмедов. —Мен Маҳмуд Туробов, Эркин Жапалиев, Валерий Турин сингари яна уч юзга яқин ишчининг номини бирма-бир санаб беришим мумкин. Улар ҳам Ҳасан каби 1976 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришяпти. Уч мингдан ортиқ ишчи эса ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар қабул қилди.

Корхона ҳам одамлар қатори ўсмоқда, кучга тўлмоқда. Ҳасан яхши эслайди: бир пайтлар завод кичкина, қуввати кам, ишчи кучлари оз корхона эди. Лекин бора-бора унинг техник имкониятлари ортди. План-топшириқларини ошириб бажара бошлади. У кўпгина мураккаб топшириқларни ҳал қила олиш даражасига етди. Ана шунда партия ва ҳукумат корхонани пахтачилик учун мослаштирилган тракторларни ишлаб чиқарадиган заводга айлантиришга қарор қилди. Ўзбекистонда трактор саноати Ҳасанларнинг кўз ўнгида туғилди, камол топмоқда. 1972 йилдан бошлаб эса корхона «СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводи, деб юритиладиган бўлди.

«Энг муҳими, одамлар, ишчилар онгидаги ўзгаришдир» — хаёлидан кечирди Ҳасан. Илгари қандай эди? Ишчилар кўп эҳтиёт қисму деталь ишлаб чиқарсак бас, деб ўйлашарди. Энди улар ҳам сифат, ҳам миқдор учун курашмоқдалар. «Заводимизда сифатни бошқаришнинг тармоқ системаси жорий этилаётгани заб иш бўляпти-да. Нега десангиз, бу система ўз ичига ҳам ташкилий ишлаб чиқариш тадбирлар комплексини қамраб олади-да!».

Бу система биринчи галда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан жиддий тайёрлаш ва маҳсулот сифатини такомиллаштириш учун шароит яратиб беради. Масалан, йиғув участкасида пайвандлаш ишларини механизациялаш 95 процентга етказилгани учун маҳсулот сифати кескин яхшиланди, деталнинг мустаҳкамлиги ортди.

Ҳозир барча ишлаб чиқариш участкаларида сифатни таъминлашнинг бирламчи асоси бўлган конструкторлик ва технологик ҳужжатлар қунт билан ўрганиляпти. Бундан ташқари, сифат бўйича тузилган доимий комиссия-чи! У корхонада ўз фаолиятини тобора кенгайтириб бормоқда. Деталларни заводда аттестациядан ўтказиш қоидаси жорий этилди.

Сифат комиссиялари цехларда ҳам тузилган. Улар мунтазам суратда «сифат кунлари» ўтказиб туради. Яқинда бундай тадбир бутун завод миқёсида ўтказилди. Унда мастерларнинг барча участкаларда маҳсулот сифатини оширишдаги иштироки муҳокама қилинди. Буларнинг ҳаммаси ажойиб натижалар бераётир. Ўтган йили брак корхона миқёсида 1970 йилга нисбатан бир ярим баробар камайди. Брак маҳсулотсиз ишлаш учун кураш бошланди.

— Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилидаги муқобил планларимиз ва оширилган социалистик мажбуриятларимиз ҳам чакана эмас, — деди Ҳасаннинг хаёлини бузиб Саидаҳмад.

— 25 минг трактор, 30 мингдан зиёд прицеп, — деди Ҳасан. — Ҳаммамиз бир тан-бир жон бўлиб, суръатни бўшаштирмай ички резервлардан унумли фойдаланиб, тежамкорлик билан, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилсак, топшириқларни 20 ноябрдаёқ бажаришимиз мумкин.

— Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида: «Тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун курашда меҳнат коллективлари олдида, ҳар бир совет кишиси олдида конкрет вазифалар турибди. Бу вазифалар ўз вақтида, виждонан, ишнинг кўзини билиб ҳал этилиши жуда муҳимдир. Шунга интилмоқ керакки, ҳар бир киши қунт билан ижодий меҳнат қилсин, меҳнат, давлат интизомига риоя этсин, ўзига ва ўртоқларига юксак талабчан бўлсин», — дейилган-да.

— КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун саноат, қурилиш, транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳам ишчиларимиз кўчига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Улар январь ойи топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт беришди.

Икки қадрдон гап билан бўлиб иш жойларига етиб келишганини сезмай қолишди. Ана, қадрдон дастгоҳлар!.. Бу дастгоҳлар ҳозир ўз эгаларининг ишчилик шарафи, ғурури, бахти ҳақида достон тўқимоқчи бўлгандай бир маромда гувиллаб кетади.

Э. ХЎЖАЕВ,
Тошкент трактор заводи.

# ҚАҲРАМОНОНА МЕҲНАТИМИЗ—ВАТАНГА!

### ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ УМУМАРМИЯ КЕНГАШИ

29 январда Москвада идеология ходимларининг умумармия кенгаши тугади. Бу амалий учрашув иштирокчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречконинг «КПСС Марказий Комитетининг қарорлари асосида СССР Қуролли Кучларидаги идеология ишининг вазифалари» тўғрисидаги докладини муҳокама қилдилар.

Кенгашда қатнашган жангчилар бутун совет халқи билан биргаликда Коммунистик партиянинг доно сиёсатини, партия Марказий Комитетининг ҳамда ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш борасидаги кўп қиррали ва тинимсиз фаолиятини қизғин маъқуллаётганликлари ва якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар. Нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми қарорларини ва омманинг ижодий кучларига астойдил ишонч ҳисси билан суғорилган КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини коммунистлар ва барча жангчилар баланд руҳ билан кутиб олганликлари тўғрисида гапирдилар.

Армия ва флот жангчилари Коммунистик партиянинг империалистлар найрангларига нисбатан ҳушёрликни сира бўшаштириш мумкин эмаслиги, СССР Қуролли Кучларининг жанговар тайёрлигини ошириш зарурлиги тўғрисидаги йўл-йўриқларини ҳамиша эсда тутадилар. Армия билан флот олдида турган вазифаларни ҳал этишда идеология иши муҳим роль ўйнайди. Совет жангчиларида марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш, уларда ғоявий эътиқодни тарбиялаш, коммунизм идеалларига садоқат, ўз халқига, партияга ва Ватанга меҳр-муҳаббатни тарбиялаш — армия ва флотдаги бутун партиявий-сиёсий ишнинг асосий вазифасидир.

Кенгашда А. А. Гречко якунловчи нутқ сўзлади.

Кенгаш иштирокчилари командирларга ва сиёсий ходимларга, пропагандистларга ва агитаторларга, СССР Қуролли Кучларининг барча идеология ходимларига қарата якдиллик билан мурожаат қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитетига баланд руҳ билан мактуб қабул қилинди. Кенгаш қатнашчилари ушбу мактубда ленинчи Марказий Комитетни ишонтириб айтдиларки, коммунистлар билан комсомоллар, барча совет жангчилари ўз халқига бундан кейин ҳам садоқат билан хизмат қиладилар, социалистик Ватаннинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун куч-ғайратларини аямайдилар. Совет Қуролли Кучлари Коммунистик партиянинг биринчи чақириғи биланоқ севикли Ватанимизнинг муқаддас чегараларини ҳимоя қилишга, ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчларини шараф билан бажаришга ҳамиша тайёрдирлар.

(ТАСС).

## ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА




Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг журнали — «Ўзбекистон агитатори»нинг биринчи сони босмадан чиқди. Унда Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг аввалги нашрлари — «Агитатор блокноти» ва «Ўзбекистон агитатори»нинг анъаналари давом эттирилган.

Янги журнал расмлар билан безатиладиган нашрдир. Унинг ҳажми ва формати катталаштирилган. Бу эса идеология фронтининг кўп минг кишилик жангчилари фаолиятини кенг ёритиш, агитация ва пропаганда ишларининг хилма-хил формаларини ёрқин ва ишонарли кўрсатиш имконини беради.

Журналнинг биринчи сони журналхонларга мурожаат билан очилиб, унда «Оммавий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширайлик» сарлавҳали бош мақола берилган.

Журнал саҳифаларида оммавий агитация иши масалаларини ўрганувчиларга ёрдам тариқасида «Агитатор — социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашчи» сарлавҳали мақола эълон қилинган. Ф. Ориповнинг «Экономика — коммунизм учун курашнинг асосий йўналиши» мақоласи иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи сиёсий ахборотчиларга аталган.

Олмалиқдаги кон металлургия комбинати мис эритиш заводи сульфат кислота цехининг мастери К. Мавлонов ўз иш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилган. Унинг мақоласи «Сўз чорлайди, тарбиялайди» деб аталади. «Тажриба. Ташаббус. Изланиш» рубрикаси журналда асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Кўргазмали агитация «Методика, тажриба» эса журналга киритилган янги рубрикалардан биридир. Бу рубрика остида безакчи рассомларнинг мақолалари, оммавий-агитация ходимларининг кўргазмали воситалардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳикоялари бериб борилади. Журналнинг бу сонида беш йилликнинг якунловчи йилида социалистик мусобақани ташкил этиш масалаларини акс эттирадиган стендлар ва тематик композицияларнинг эскизлари ҳам тақдим этилган.

Журнал саҳифаларида булардан ташқари доклад, сиёсий ахборот ва суҳбатлар учун материаллар, факт ва рақамлар, қизиқарли ахборотлар босилган.

## Область Советининг сессияси

НАМАНГАН. Бу ерда меҳнаткашлар депутатлари Наманган область Советининг сессияси бўлди.

Депутатлар область Совети ижроия комитетининг 1974 йилги иш тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда ирригация ва мелиорация юзасидан депутатлар доимий комиссиясининг ҳисоботини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. У. Абдураззоқов Наманган область ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

Исроил томонидан босиб олинган араб ерларида инсон ҳуқуқлари поймол қилинмоқда. Халқаро ҳуқуқ нормаларига хилоф бўлган бундай бебошликлар Тель-Авив ўтказиб келаётган зўравонлик ва террор сиёсатининг ажралмас қисмидир. Суратда: Исроил патрули Қуддус яқинидаги қишлоқлардан бирида тинтув ўтказмоқда.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.



## ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

## ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ X СЪЕЗДИДА

ВИЖАЯВАДА, 29 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Ҳиндистон Коммунистик партиясининг X съездида ҳозирги халқаро аҳвол тўғрисида Ҳиндистон Компартияси миллий кенгашининг секретари Бхупеш Гупта доклад қилди.

Ҳиндистон Компартиясининг IX съезди бўлиб ўтганидан кейинги уч йилдан кўпроқ вақт ичида дунёда кўпгина муҳим ижобий воқеалар содир бўлганлигини, бу воқеалар халқаро аҳволни ялпи тинчлик, миллий озодлик, демократия ва социализм фойдасига сифат жиҳатидан ўзгартиришга олиб келганлигини докладчи таъкидлаб ўтди. Воқеаларнинг бундан қувончли ривожи — Совет ҳукумати, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитети тинимсиз кўрсатаётган ташаббусларнинг, КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини амалга ошириш йўлидаги ташаббусларнинг натижасидир.

Қудратли жаҳон социалистик системасининг мавжудлиги туфайли, деди сўзини давом эттириб Б. Гупта, ривожланаётган мамлакатлар империализм ва янги мустамлакачилик кирдикорларига муваффақиятли равишда зарба бермоқдалар. Социализм ғоялари учинчи дунёда муттасил обрў-эътибор қозонмоқда. Империализм билан реакция, деди сўнгра Ҳиндистон Компартияси миллий кенгашининг секретари, эндиликда маочилар сиёсатидан катта мадад олмоқдалар, чунки маочилар сиёсатида буюк давлатчилик шовинизми, антисоветизм, қўпорувчилик фаолияти бирга қўшилиб кетмоқда. Маочиларнинг сиёсати империализмга хизмат қилмоқда, бу сиёсат бутун дунёдаги антиимпериалистик ва бошқа тинчликсевар кучларни пароканда қилишга, ривожланаётган мамлакатларни Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдан ажратиб қўйишга қаратилган. Маочиларнинг сиёсати, деб таъкидлади Б. Гупта, халқаро кескинликни юмшатишга қарши ва бинобарин, тинч-тотув яшашга ва ер юзида тинчликка қарши қаратилган.

Докладчи кейинги йилларда халқаро коммунистик ҳаракат эришган муваффақиятлар тўғрисида гапириб, бу ҳаракатнинг мафкуравий бирлигини мустаҳкамлашда, марксизм-ленинизм принципларини ҳимоя қилишда КПСС катта роль ўйнаётганлигини таъкидлади.

Ҳиндистон Компартияси, деди Б. Гупта, коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгаши чақирилиши тарафдоридир, Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлиги ҳамда ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарафдоридир.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

А. АРХИПОВ,
В. МАТЯШ.

## ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

РИМ, 30 январь. (ТАСС). Италия коммунистлари ўз партиясининг навбатдаги XIV съездига актив тайёргарлик кўрмоқдалар. Съезд 18 мартдан 23 мартгача Римда ўтказилади. ИКПнинг бошланғич, район, шаҳар ва область ташкилотларида партия амалий фаолияти ва сиёсатининг энг муҳим ва актуал проблемалари, Италия ишчилар синфининг, барча меҳнаткаш аҳолининг манфаатлари учун кураш соҳасидаги вазифалари кенг муҳокама қилинмоқда.

Съезд делегатлари муҳокамасига қўйиладиган масалаларга коммунистлар катта аҳамият бермоқдалар. Бу масалалар мамлакатнинг сиёсий ҳаётида коммунистларнинг роли ҳамда вазифалари, ўнг кучлар ва реакциянинг кирдикорларига зарба беришни кучайтириш, меҳнаткашларнинг иқтисодий талаблари учун ва демократик ислоҳотларни амалга ошириш учун кураш масалаларидир.

ИКП съездига тайёргарлик партия сафлари ўсган ва янада жипслашган шароитда ўтмоқда. «Унита» газетасининг хабар беришича, Компартия аъзоларининг сони 1974 йил охирида 1 миллион 657 минг 895 кишига етган.

## А. Новотний вафот этди

ПРАГА, 29 январь. (ТАСС). ЧКП Марказий Комитети партия ветерани, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари ва Чехословакия президенти Антонин Новотнийнинг оғир касалликдан кейин кеча 70 ёшда вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилди.

## ГДР ЯНГИЛИКЛАРИ

### «ЭБЕРСВАЛЬДДА ИШЛАНГАН»

Бельгия шаҳарларининг бири— Антверпендан Эберсвальдга (ГДР) телеграмма келди: «Порт кранларининг биринчи партиясидан ҳурсандмиз. Янги буюртмалар беришга қарор қилдик». Бу — эберсвальдлик машинасозлар тайёрлаган техникага берилган характерли гувоҳнома. Бу ердаги порт кранлари ишлаб чиқарадиган завод Европада энг йирик корхоналардан ҳисобланади. Унинг маҳсулотлари 20 мамлакатга экспорт қилинади. Завод 25 йил мобайнида экспорт учун 2400 дан ортиқ кран тайёрлади. Бу кранлар ҳозир Совет Иттифоқи, Польша, Бразилия, Сурия, Эрон, Кувайт, Бельгия портларида ишлатилмоқда.

Эберсвальд машинасозлари совет ҳамкасблари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлар, улар ўзаро тажриба алмашиб турадилар. Масалан, Қора денгиздаги Ильичевск портида энг қийин шароитларда «Альбатрос» ва «Сокол» кранлари синаб кўрилди. ГДР ва СССР мутахассислари ҳамкорликда кранларнинг тезлик режими юк кўтариш қувватини ошириш, иш сифатини яхшилаш каби бир қатор техникавий муаммоларни ечишга муяссар бўлдилар.

### БЕРЛИН ҚУРИЛИШЛАРИДА

Берлиннинг бугунги манзарасига қурилишлардаги минора кранлари алоҳида ҳусн бериб турибди. 50 минг хонадонга мўлжалланган Ландсберг-шоссе — Вайсензеерверг районида иш қайнамоқда. Аҳоли зич яшайдиган ишчи район лойиҳаси реконструкция қилинмоқда. Ҳозир Берлин қурувчиларини Франкфуртер хиёбони ва Лейпцигерштрасседа кўриш мумкин.

1980 йилгача ГДР пойтахтида чорак миллион киши учун мўлжалланган 55 минг янги квартира фойдаланишга топширилади. Замонавий уй-жой комплекслари ва оригинал архитектурали жамоат бинолари қад кўтаради. Шунингдек, бу ерда шаҳар четидаги ўрмон ва боғлар, сув ҳавзалари тўла сақлаб қолинади. Янги районларда фонтанлар, дарахтзор ва гулзорлар кўп, йўловчилар учун махсус йўлкалар қурилмоқда.

Ушбу рақамларга эътибор беринг: 1973 йилда янги қурилган ёки урушдан кейин тикланган квартираларда пойтахт аҳолисининг чорак қисми яшар эди. 1980 йилга келиб давлат томонидан Берлин учун қабул қилинган программа тўла амалга оширилгандан сўнг пойтахт аҳолисининг ярмидан кўпроқ қисми замонавий ва қулай уйларда яшайдилар.

ГДРда уй-жой қурилиши кўлами ниҳоятда катта. Бу ерда 1971-1975 йиллар мобайнида 500 мингдан ортиқ янги квартира қуриб фойдаланишга топширилиши керак. Ҳозиргача бир миллионга яқин аҳолининг уй-жой шароити яхшиланди. Мактаблар, болалар боғчалари ва яслилари, бошқа жамоат бинолари қурилиши тезкорлик билан давом этмоқда.

Берлин қурувчиларининг келажак режалари яна ҳам катта. 1990 йилга келиб қурувчилар уч миллион квартирани фойдаланишга топширадилар. ГДРда уй-жой қурилиши проблемаси ана шу тарзда ҳал этилади.

В. ХЕНКЕР.
[АПН].

# АВВАЛ ЎЗИНГГА БОҚ...

Американинг реакцион матбуоти Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларни «демократизм йўқлиги»да, «бошқача фикр юритувчиларни таъқиб этиш»да айблайди. АҚШнинг ўзига келганда эса, ана шундай уйдирмаларнинг муаллифлари Америка жамиятини демократиянинг чўққиси, деб ҳисоблашади. Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ, дейишган экан донолар. Америкача демократиянинг бугунги аҳволига назар солсак, доналар нақадар ҳақ эканининг гувоҳи бўламиз.

Кейинги пайтларда АҚШда бошқача фикр юритувчиларни таъқиб этиш авжига чиқди. Бу сафар гап Марказий разведка бошқармасининг Американинг ўзида олиб бораётган жосуслик фаолияти устида бораётир. Вазифаси фақат ташқи жосуслик билан шуғулланиш бўлган бу ташкилот АҚШдаги ўн минглаб кишиларни пойлаб юрганлиги ошкор бўлиб қолди. Маълум бўлишича, АҚШда (буни МРБ раҳбари У. Колбининг ўзи ҳам тан олди) 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб жосусликнинг изчил программаси амалга ошириб келинган. Бу программага биноан махсус микрофон ва қурилмалар ёрдамида телефон орқали қилинган суҳбатлар тинглаб борилган. «Тайм» журналининг хабар қилишича, МРБ кузатиб юрган кишилар орасида ҳатто «олий суд аъзоси Уильям Дуглас, бир сенатор ва икки конгрессмен» ҳам бўлган.

Америка шарҳловчиларининг эслатишича, МРБ ташкил этилган 1947 йилдан бошлабоқ конгрессга 200 дан ортиқ таклиф киритилган эди. Қонун тариқасида киритилган бу таклифлар мазкур идора фаолиятини назорат остига олиш ва америкаликлар ҳуқуқини ҳимоя этишни мақсад қилиб қўйганди. Бироқ ана шу таклифларнинг ҳеч қайси бири қонун кучига кирмасдан қолиб кетди. АҚШ Марказий разведка бошқармаси тузилганидан бугунги кунга қадар мамлакат ташқарисидаги жирканч фаолияти учун бир неча бор фош этилди. Чунки у мана чорак асрдирки, бошқа давлатларнинг ишларига ҳаёсизларча аралашуви, жосусликнинг энг жирканч усулидан фойдаланиши билан «ном» чиқариб келди.

1953 йили МРБнинг Эрондаги резиденти Кермит Рузвельт («Ким») бош министр Мосодиқ ҳукуматини ағдариб ташлаш операциясга раҳбарлик қилди. 1954 йили МРБнинг актив иштироки билан Гватемалада Хакобо Арбенснинг қонуний ҳукумати ағдариб ташланди. Орадан етти йил ўтгач, Америка разведкаси Кубанинг Кочинос кўрфазида яна шарманда бўлди. Бу ерда Кубанинг революцион қуролли кучлари ёлланма десантни 72 соат ичида тор-мор келтирди. АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги агрессияси пайтида МРБ Лаосда махфий уруш олиб бораётгани фош этилди. Марказий разведка бошқармасининг жирканч ишлари рўйхатида 1960 йили СССР территорияси устида уриб туширилган «У-2» жосус самолёти воқеаси ҳам бор.

АҚШнинг маълум доиралари МРБнинг навбатдаги жанжалига «Американинг ички иши» руҳини беришга уринишяпти. Улар озроқ ёвузликни тан олиб, кўпроқ ёвузликни бекитишга, яъни Марказий разведка бошқармасининг чет элларда реакцион тўнтаришларни уюштириш, прогрессив кучларни таъқиб этиш сингари жиноятларини яшириб қолишга ҳаракат қиляптилар. «Вашингтон мансли» журналининг маълумотларига кўра, Америка давлат департаментининг чет эллардаги 5435 вакилининг чорагидан кўпроғи МРБ ходимларидир.

Ғарбий Европа матбуоти МРБнинг АҚШ иттифоқчилари бўлган мамлакатлардаги хатти-ҳаракатдан ташвишланиб ёзмоқда. Сўнгги ойларда бу мамлакатларга МРБ ўзининг кўплаб жосусларини юборди. Италияда эса яқинда олий мартабали Америка разведкачиларининг бутун бир группаси пайдо бўлди. Италияда чиқадиган «Эуропео» журналининг ёзишича, Ўрта ер денгизи мамлакатлари соҳилларида МРБнинг сирли «Аполлон» кемаси сузиб юрибди. Грецияда «қора полковниклар» фашистик тўнтаришини МРБ уюштирган деб ҳисоблашмоқда. Яқинда Марказий разведка бошқармасининг Португалия ички ишларига аралашуви фош этилди.

Яман Халқ Демократик Республикасида ҳам АҚШ Марказий разведка бошқармаси томонидан тузилган жосуслик уюшмаси фош этилди. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, Американинг «ИТТ» корпорациясида номигагина ишлаб юрган жосуслик уюшмасининг аъзолари Исроил разведкаси билан ҳам ҳамкорлик қилишган. Бу МРБнинг сўнгги пайтларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ўз қўпорувчилик фаолиятини авж олдирганини тасдиқловчи яна бир далилдир. Яқинда Ироқда Америка разведкаси кўрсатмаси билан иш кўраётган группа қўлга олинди. Натижада МРБнинг курдлар можаросини авж олдиришга алоқадорлиги маълум бўлди.

Ҳозирги пайтда Латин Америкаси мамлакатларининг кўпчилиги Америка жосуслари билан тўлдириб ташланган. Ўз қўлларида миллионлаб долларга эга бўлган МРБ жосуслари Латин Америкасида Америка империализмига қарам бўлган давлатлар тузишга уринмоқдалар. Бугунги кунда МРБ Уругвай, Бразилия, Боливия, Никарагуа, Гаити ҳукуматларининг маслаҳатчиси эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Эквадорда МРБ нақадар қулоч ёйганини бу ерда унинг икки ҳукумати ағдариб ташланганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Бу тўнтаришлар, Лэнгли (МРБ жойлашган ер) идорасига 11 миллион долларга тушди. МРБ томонидан Чилида уюштирилган ҳарбий тўнтариш ва террор натижасида 30 мингдан зиёд киши ҳалок бўлди, қолган аҳоли ҳарбий хунта зулмидан азоб чекмоқда.

Ливанда чиқадиган «Бейрут» газетасининг ёзишича, МРБ-нинг собиқ директори Р. Хелмс АҚШнинг Эрондаги элчиси қилиб тайинланиши билан Афғонистонда Америка разведкасининг фаолияти активлашди. Маълумки, деб таъкидлайди газета, Америка разведкаси Афғонистонда М. Доуд ҳукуматига қарши фитна тайёрлашга уринди. Текширишларда Афғонистоннинг собиқ ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони С. Амир билан биргаликда фитнада қатнашган Америка разведкасининг ходими Вашингтондан 10.000 доллар олганлиги аниқланди. Фитна фош этилганидан кейин ҳам Америка разведкаси Афғонистондаги ҳукуматга қарши фаолиятини тўхтатмади. Бултур Афғонистон хавфсизлик кучлари Америка жосуси «Осмон»ни қўлга туширишди. 1974 йилда МРБ кўрсатмаси билан республика тузумига қарши иш олиб борган Американинг ўнга яқин жосуси Афғонистондан чиқариб юборилди. МРБнинг Австралияда ҳам шармандаси чиқди. Вашингтон сайловолди компаниясида Австралияда лейбористлар партияси ҳукуматига қарши миллионлаб доллар сарфлади. Лекин мақсадига эриша олмади.

«Тинчлик корпуси», Халқаро тараққиёт бошқармаси, АҚШ ахборот хизмати сингари ташкилотлар паноҳида иш кўраётган МРБ жосуслари жамиятнинг турли табақалари орасига, чекка районлари ичкарисига кириб олиб, қимматли ҳарбий-иқтисодий маълумотлар тўплашяпти, қонуний ҳукуматлар сиёсатига ишончсизлик туғдиришга, миллий адоват уруғини сочишга, ҳукуматга қарши чиқишлар уюштиришга уринишяпти. Бироқ «Потамак дарёси бўйидаги катта уй» хўжайинлари ўз ерларидан ташқаридаги бебошликлар учун жазосиз қоламиз, деб ўйламасинлар. Социал тараққиёт ва тинчлик кучлари халқларнинг муқаддас ҳуқуқига чанг солмоқчи бўлган ҳар қандай ёвузга зарба беришга қодирдир.

Евг. БЛОК,
доцент.

